



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАБИЕВА НИЛУФАР МУРАТОВНА

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(Фарғона вилояти хизмат кўрсатиш корхоналари мисолида)

08.00.11 – Маркетинг
08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
economics sciences**

Набиева Нилуфар Муратовна

Хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг маркетинг
стратегиясини ишлаб чиқиш (Фарғона вилояти хизмат кўрсатиш
корхоналари мисолида)..... 3

Набиева Нилуфар Муратовна

Разработка маркетинговой стратегии развития предприятий сферы
услуг (на примере предприятий сферы услуг Ферганской области)..... 25

Nabieva Nilufar Muratovna

Development of marketing strategy for the development of service
enterprises (on the example of service enterprises of the Fergana region)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАБИЕВА НИЛУФАР МУРАТОВНА

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ
(Фарғона вилояти хизмат кўрсатиш қорхоналари мисолида)

08.00.11 – Маркетинг

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

Иқтисодиёт филоли буйича философа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ



Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси манускрипти Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида И2018.3.PhD/Iqt755 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодий университетига баъжирилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (ромонс)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyouet» ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Эргашходжаева Шахноза Джалсуришна**
иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдурахмонов Қаландар Ходжасевич**
иқтисодийёт фанлари доктори, академик

Абдуллаев Илёс Султанович
иқтисодийёт фанлари доктори, доцент

Етафчи ташкилот: **Тошкент давлат техника университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодийёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019 11601 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «11» 03 соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49 Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодийёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~18~~ рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49 Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил 25.02 хуни тарқатилди.
(2021 йил 25.02 даги 4 -рақамли реестр баённомаси).



Н.Х. Жумасев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қотиби, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қотиби, и.ф.д., профессор

Д.Х. Сулонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қотибидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобализация жараёни чуқурлашиб ва иқтисодийнинг рақамлаштириш тобора кенгайиб бораётган шароитда хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Жаҳон ялпи ички маҳсулот ҳажмида мазкур соҳанинг салмоғи ўртача 65 фоизни ташкил этгани ҳолда, мазкур кўрсаткич АҚШда 80 фоизни, Европа Иттифоқи давлатларида 70-75 фоизни ташкил этади»¹. АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея сингари жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётига кўра, инсон салоҳияти тараққиётига истикбол мақсадлардан бири сифатида ёндашилган инвестициялаш шароитида маркетинг стратегиялари самарали қўлланилмоқда. Бу ўз навбатида, юқори даражадаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш амалиётида маркетинг фаолияти, айниқса маркетинг стратегияларидан кенг қўламда фойдаланишнинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда рақамли иқтисодийнинг жадал ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, айниқса хизмат кўрсатиш фаолиятини манзилли ва дифференциал тамойилли амалга ошириш борасида маркетинг стратегияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида маҳсулот турлари диверсификациясини ошириш орқали истеъмолчиларнинг хизмат сифатидан қониқиш даражасини кучайтириш, маркетинг ёндашувларида инновацион технологияларни кенг жорий этиш, хизмат турларини диверсификациялаш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган маркетинг тадқиқотларини ўтказиш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. ...Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур йўналишда камида 160 минг кўшимча иш ўрни яратиш мумкин. Ҳар бир туман ва шаҳар кесимида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, шу билан бирга, тармоқни тартибга солиш, ундаги методология ва статистика маълумотларини халқаро стандартларга мослаштириш»² вазифалари белгилаб берилган.

Бу борада хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажмини, хизматлар турини кескин кенгайтириш ва сифатини ошириш, корхоналар истикбол ривожини ички ва ташқи омиллар шароитида рақобатли устунлигини таъминлаш, истеъмол шароитидаги қисқа муддатли ўзгаришларни ҳисобга олиш, шунингдек, хизмат турларини ҳудудлар кесимида маркетинг стратегиясини мувофиқлаштириш, хизматлар бозори салоҳиятидан ижтимоий-иқтисодий ўсиш нуқтаси сифатида

¹ https://ru.theglobaleconomy.com/rankings/share_of_services/

² Президент Шавкат Мирзиёев раёсатида хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди // Халқ сўзи, 2020 йил 16 июнь – <https://rs.uz/>

самарали фойдаланишга йўналтирилган илмий ишларини устувор амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бепта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида», 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 8 июндаги ПК-4742-сон «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 июндаги ПК-4752-сон «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда маъқур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизматлар соҳасини, жумладан, хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг илмий назарий ва методологик муаммолари хорижлик олимлардан Аакер Д., Аванесова Г.А., Ансофф И., Бакин К., Бабаева О.Н., Бередин И.С., Бест Р., Гембл П., Джордан М., Джанстер П., Дойль П., Дихтль Е., Котлер Ф., Келлер К.Л., Лавлок К., Ламбен Ж.Ж., Минетт С., Оуэн Р. ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган³.

Шунингдек, МДХ мамлакатлари олимларидан Б.П.Гамаюнов, Е.П.Голубков, А.С.Морунов, М.Недякин, С.М.Перминов, О.Н.Романенкова, И.Н. Синяева ва бошқаларнинг илмий асарларида ўрганилган⁴.

³ Аакер Д., Кумар, Дэй Дж. Маркетинговая исследования. СПб., 2007; Аванесова Г.А. Сервисная деятельность. – М., 2006; Ансофф И. Стратегическое управление. – М., 1989; Бакин К. Построение отдела продаж. – СПб., 2015; Бабаева О.Н., Предводителева М.Д. Управление организации сферы услуг. – М., 2010; Бередин И.С. Маркетинговый анализ Рынок Фирма-товар. – М., 2007; Бест Р. Маркетинг от потребителя. – М., 2018; Гембл П., Стоун М., Вудкок Н. Маркетинг взаимоотношений с потребителями. – М., 2002; Джордан М. Бережливое производство – шесть сигм в сфере услуг. – М., 2011; Джанстер П., Хасси Д. Анализ сильных и слабых сторон компании. – М., 2004; Дойль П. Маркетингориентированный на стоимость. – СПб., 2001; Дихтль Е., Хершген Х. Практический маркетинг. – М., 1996; Котлер Ф., Келлер К.Л. Маркетинг менеджмент. – СПб., 2014; Лавлок К. Маркетинг услуг: персонал, технология, стратегия. – М., 2018; Минетт С. Маркетинг: разные подходы к разным клиентам. – М., 2004; Оуэн Р., Брукс Л. Сервис, который приносит прибыль. – М., 2016.

⁴ Гамаюнов Б.П. Маркетинг и продажа услуг: книга о правильной продаже и покупке услуг. – Р-на Д. 2010; Голубков Е.П. Маркетинг: стратегии, планы, структуры. – М., 2015; Морунов А.С., Хончев М.А., Афонин С.Е. Взарубежный опыт организации эффективного функционирования предприятий сферы услуг. – М., 2013; Недякин М. Искренний сервис. Как мотивировать сотрудников сделать для клиента больше, чем достаточно. Даже когда шеф не смотрит. – М., 2018; Перминов С. М. Управление компанией на рынке B2B. – СПб., 2015.

Сўнги йилларда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг стратегиясидан фойдаланиш масалаларига бағишланган илмий ишлар К.Х.Абдурахмонов, Г.Н.Ахунова, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, М.А.Икрамов, М.М.Зияева, Д.Х.Набиев, М.К.Пардаев, И.С.Тухлиев, А.А.Фаттахов, З.А.Хақимов, Ш.Дж.Эргашходжаева, М.С.Қосимова, М.Юсулов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аҳсини топган⁵.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, республикаимизда ижтимоий вазифаларни ҳақ этишда, аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликдан чиқариш, тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда хизматларни тизимли йўлга қўйиш, унинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларга мутахассислар ва олимлар томонидан етарлича эътибор берилмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-А2-050 «Корхоналар маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари асосида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш бўйича тақриф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

хизмат ва сервис тушунчаларининг ягона иқтисодий категория эканлигини илмий-методологик жиҳатдан асослаб бериш;

хизматлар бозорида рақобат ривожланиши шароитида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг илмий-методологик жиҳатларини ёритиб бериш;

рақамли иқтисодиётни шакллантириш даврида хизматларнинг ривожланиш тенденциялари, қонуният ва хусусиятларини ёритиб бериш;

хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегиясига қўйилган талабларни ишлаб чиқиш ва уларга нисбатан услубий ёндашувларни ўрганиш;

хизмат кўрсатиш соҳасида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш хусусиятлари ва уларнинг турларини таснифлаш;

⁵ Абдурахмонов К.Х. Новые тенденции в экономической науке и образовании. Монография. – Т., 2016; Ахунова Г.Н. Исследование рынка образовательных услуг в Узбекистане. – Т., 2003; Бекмуродов А.Ш., Косимова М.С., Эргашходжаева Ш.Дж. Стратегический маркетинг. – Т., 2010; Икрамов М.А., Абдухалилова Л.Т. Маркетинг тадқиқотлари. – Т., 2017; Зияева М.М. Хизматлар бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Автореф. – Т. ТДИУ, 2018; Набиев Д.Х. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. – Т., 2009; Пардаев М.К., Мусаева Х.Н. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. – Т., 2008; Пардаев М.К., Аминов Э.Ю. Хизмат кўрсатиш корхоналар иқтисодий қанфизлиги муаммолари ва уларнинг ечимлари. – Самарқанд, 2020; Тухлиев И.С. Особениети матриц SWOT и BCP в стратегическом планировании организационных систем. – Т., 2014; Фаттахов А.А. ва бошқалар. Маркетинг: бошқарувнинг бозор концепцияси. – Т., 1999; Эргашходжаева Ш.Ж. Бозор рақобати шароитида кишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Диссертация. – Т. 2007., – Т., 2014.; Юсулов М. ва бошқалар. Маркетинг: ўқув қўлланма. – Т., 2020

ривожланган давлатларда сервис соҳасини ташкил этиш тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида қўллашни амалга ошириш;

хизматлар бозоридаги иштирокчиларнинг манфаатларини мувофиқлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини яратиш;

хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Фарғона вилоятидаги хизмат кўрсатиш корхоналарининг иқтисодий ва маркетинг фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети хизмат кўрсатиш корхоналарининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда гуруҳлаш, абстракт-манتيкий фикрлаш, монографик, таққослаш, солиштирма таҳлил, эксперт баҳолаш, сўровнома, иқтисодий-математик, статистик, кластер таҳлил, STEP таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хизмат соҳасида холистик маркетингдан фойдаланиш хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этувчи турли субъектлар фаолиятидаги ўзаро мувофиқликни, истёмоқ шароитидаги қисқа муддатли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатда устунлигини таъминловчи маркетинг стратегияларини танлаш хизмат кўрсатишнинг кўп омилли локал ва динамик тавсиф элементларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

худоудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини эътиборга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзаро боғлиқлигини кластер ёндашуви орқали ташкил этиш асосланган;

Фарғона вилояти хизматлар бозори салоҳиятидан ижтимоий-иқтисодий ўсиш нуктаси сифатида самарали фойдаланиш асосида хизмат турларини ривожлантиришнинг 2025 йилга қадар прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

рақобат ривожланиши шароитида хизматлар бозорининг такомиллашуви нафақат хизмат кўрсатиш корхонасига, балки аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқаришга ёрдам бериши асосланган;

хизмат кўрсатиш корхонасини ривожлантириш ва қўшимча маблағ келтириш имкониятини аниқлаш мақсадида ўрта ва узок муддатли истиқболга йўналтирилган маркетинг стратегиясини шакллантириш зарурати асосланган;

туманлар кесимида хизмат турларини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини асослашда кластер таҳлил усулидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган маълумотларнинг тегишли расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Фарғона вилояти корхоналари ҳисоботларидан олинганлиги, социологик сўровнома асосида тўпланган маълумотлардан фойдаланилганлиги, ҳулоса ва

таклифларнинг тегишли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқотда ишлаб чиқилган услубий йўналишдаги таклифлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш, соҳа корхоналари фаолиятини кенгайтиришда замонавий маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, тадқиқот мавзусига оид махсус илмий тадқиқот ишларининг услубий аппаратини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларининг маркетинг стратегияси ҳамда мазкур соҳани ривожлантиришнинг истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, олий таълим муассасалари талабалари учун ўқув адабиётлар (дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар) тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга оид илмий янгиликлар асосида:

хизмат соҳасида ҳолистик маркетингдан фойдаланиш хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этувчи турли субъектлар фаолиятидаги ўзаро мувофиқликни истеъмол шароитидаги кичка муддатли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш орқали такомиллаштириш таклифидан «Фарғона вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 14 декабрдаги 01/ОА-520-03-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши Фарғона вилоятидаги хизмат кўрсатиш корхоналарининг фойда ҳажмини 12 фоизга ошириш имконини берган;

хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатда устунлигини таъминловчи маркетинг стратегияларини танлаш хизмат кўрсатишнинг кўп омилли локал ва динамик тавсиф элементларини киритиш асосида такомиллаштириш таклифидан «Фарғона вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 14 декабрдаги 01/ОА-520-03-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида вилоятдаги хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини 16 фоизга ошириш таъминланган;

ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини эътиборга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзаро боғлиқлигини кластер ёндашуви орқали ташкил этиш таклифидан «Фарғона вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 14 декабрдаги 01/ОА-520-03-сон маълумотномаси). Ушбу натижанинг жорий этилиши Фарғона вилоятидаги хизмат кўрсатиш корхоналари истеъмолчилари сонини 1,5 фоизга, хизмат кўрсатиш ҳажмини 1,4 фоизга ошириш имконини берган;

Фарғона вилояти хизматлар бозори салоҳиятидан ижтимоий-иқтисодий ўсиш нуқтаси сифатида самарали фойдаланиш асосида асосий хизмат турлари ривожланишининг 2025 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз параметрлари «Фарғона вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 14 декабрдаги 01/ОА-520-03-сон маълумотномаси). Натижада вилоятда хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг мақсадли йўналишлари, комплекс дастурлари истиқболдаги кўрсаткичларининг аниқлик даражаси таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси хорижий журналларда chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 134 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегияси ишлаб чиқишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида, хизматлар маркетингини шакллантиришнинг моҳияти ва концепцияси, хизматлар соҳасини ривожланишининг қонуният ва хусусиятлари ўрганилган, хизматлар маркетинги стратегиясига қўйилган талаблар ишлаб чиқилган. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатда устунлигини таъминлашга қаратилган маркетинг стратегияларини танлаш имконини берувчи услубий ёндашувлар таклиф этилган.

Илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлили натижасида муаллиф томонидан хизмат, хизмат кўрсатиш, хизматлар бозори, сервис каби тушунчалар, уларнинг мазмуни ва моҳияти ёритиб берилган. Ривожланган давлатлар амалиётида «хизмат» билан «сервис» ўртасида ҳеч қачон қарама-қаршилик қўйилмаган, битта иқтисодий категория тарикасида қабул қилинади. Аммо ривожланаётган

давлатларда, жумладан Россия ва Ўзбекистон бу атамаларга чалкаш таъриф берилиши хизматлар соҳасининг иқтисодийдаги ўрни аниқ белгиланмаганлигига сабаб бўлган. Шунингдек, давлатимиз расмий ҳужжатларида «хизмат» ва «сервис» тушунчаларидан фойдаланишда чалкашлик мавжуд, баъзан улар параллел равишда қўлланилади.

Муаллифнинг фикрича, «хизмат» ва «сервис» битта мазмунни ифода этиб, уни бир-бирига солиштириш мантиқан нотўғри эканлиги асосланган. Хизмат иқтисодий фаолият тури бўлса, хизмат кўрсатиш эса уни амалга ошириш жараёнини англатади. Шу сабабдан, илмий, амалий ва услубий жиҳатдан «хизмат – бир объектнинг иккинчи объектга унинг эҳтиёжларини қондириш учун амалга ошириладиган фаолият ёки жараён» тарикасида қаралиши лозимлиги асосланган.

Хизматларда қанчалик моддийлик кўриниши кам бўлса, шунчалик хизмат маркетинги товар маркетингидан фаркланади. Номоддий хизматларни баҳолашни фақат улар қабул қилганидан кейингина амалга ошириш мумкин, ammo уларга турли омиллар ҳар хил таъсир ўтказгани учунгина, уларни бир хилдек баҳолаб бўлмайди. Шу сабабдан, хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг концепциясининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, ҳар бир хизмат кўрсатувчи корхона ёки тадбиркор уни инобатга олиши зарур (1-расм).



1-расм. Сезилмаслик даражаси бўйича хизматларни тақдослаш⁶

Диссертацияда холистик маркетинг концепцияларига таянган ҳолда, хизмат кўрсатиш корхоналарининг маркетинг фаолиятини турли хил мураккаблик ва компетенция (вақолатга эгаллик)ни мувофиқлаштириш орқали бозор фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асосланди. Маркетингнинг замонавий концепцияси ҳисобланган холистик маркетингдан фойдаланиш ҳар бир хизмат кўрсатаётган ташкилот ёки тадбиркорлик фаолиятини ўзаро амалга ошириладиган фаолияти нисонга, яъни истеъмолчининг хоҳиш ва истакларини қондиришга қаратилишини таъминлаш имконини беради.

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Назарий тадқиқотлар натижалари диссертацияда хизмат кўрсатиш корхоналарини умумий ривожланиш қонуниятларини маркетинг нуқтаи назаридан аниқлаш имконини берди, улар қуйидагилардан иборат:

хизматлар сифати ва маданиятига талаблар ошиб бориши. Айниқса, интернет ва уяли алоқа тизимидаги талаблар хизмат кўрсатувчилар томонидан ўзгараётган шароитларда мослашишларини тақозо этади;

харажатлар кўпайган сари хизмат кўрсатиш соҳасининг даромад келтириш даражаси кўпайиши;

истеъмол ҳажмлари ошиб бораётган бир пайтда бирламчи истеъмолчилар миқдорининг камайиши кузатилиши;

хизмат кўрсатиш корхоналарининг йириклашуви ва камрови ошиб бориши;

таклиф этилаётган хизмат турлари ва ассортименти кенгайиб бориши.

Иқтисодий адабиётларда хизматлар товарлардан асосан тўртга хусусияти бўйича ажралиб туради:

сезилмастик;

хизматнинг ишлаб чиқилиши ва истеъмолининг бир пайтда амалга ошириши;

миқдорнинг хизмат сифати ва маданиятига муносабати ўзгарувчанлиги;

хизматни сақлаб бўлмаслиги.

Аммо турмуш ўзгариши билан хизмат хусусиятлари ҳам ўзгариб бормоқда.

Шу сабабдан тўртта хусусиятни 8 тага чиқаришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Охирги хусусият, яъни хизматни сақлаб бўлмаслик, ҳозирги кунда бир хилги хизматлар сақланиш имконияти билан ажралиб туради. Масалан, таълим ва АКТ соҳасидаги маълумот ва билимларни сақлаш, наслдан наслга қолдириш, интеллектуал мулкни шакллантириш имконияти мавжудлиги ва ҳоказо.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегияси асосида фойдаланиш рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияларига мослаштиришни тақозо этади.

Диссертация нотида хизмат кўрсатиш корхоналари ривожланишини таъминловчи холистик маркетинг стратегияси қуйидаги принципларга риоя қилини лозим деб топилди:

худуддаги ижтимоий вазифаларни бирламчи равишда ҳал этиш, яъни аҳоли бақадлигини таъминлаш (Фарғона вилоятида ишсизлик 9,7 фоиз ташкил этади), камбағалликдан чиқариш, оила бюджетини шакллантиришга ёрдам бериш;

хизматлар турларининг дифференциациялашуви ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, аҳолининг истеъмол маданиятини шакллантириш;

харажатларни камайитириш ҳисобига хизмат таннархисини пасайитириш ва нархларни муқобиллаштириш орқали аҳолининг хоҳиш-истакларини қолдириш;

хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш ички ва ташқи бозордаги талабларни қолдириш асосида даромад олишга қаратилган бўлиши, бунда маркетингнинг 8 «Р» концепцияси билан кенг фойдаланиш;

рақамли иктисодиёт шаклланиши шароитида хизматларнинг интеллектуаллик даражасини ошириш, бундай хизматлар асосан, АКТ, банк, транспорт, таълим ва бошқа хизматлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим;

хизмат кўрсатиш корхоналари бирламчи маҳаллий ресурслардан унумли фойдаланишни таъминлаш, фриланс ва ўзини-ўзи банд қилиш усулларидан кенгрок фойдаланиши;

товар ва хизматлар маркетингини узвийлаштириш, иктисодиёт тармоқларининг интеграциялашув жараёнини тезлаштириш, синергетик самарадорликни таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Рақобатбардошлик ҳар қандай корхонанинг бозордаги муваффақияти учун асос бўлиб, рақобатбардошлик муаммосини ҳал қилиш унинг энг кийин вазифаларидан бири бўлиб, маркетинг хизматининг мувофиқлаштирувчи функцияси билан барча бўлинмаларнинг мувофиқлашгирилган, мақсадга мувофиқ ишларини талаб қилади, бу муаммони ҳал қилиш учун корхона фаолиятида стратегик ёндашувлар ишлаб чиқилиши лозим. Хизматлар маркетинги амалиётида чексиз кўп рақобат стратегияси мавжуд. Бунинг сабаби, рақобатдош позициясини ўзгартириш ёки ҳимоя қилишда (турли хил бозорлар ва рақобат шароитлари мавжуд бўлганда) ҳал этилиши керак бўлган турли жиҳатларга боғлиқ.

Рақобат стратегиясини танлаш иккита асосий нуқта билан белгиланади. Биринчиси, хизмат кўрсатиш корхонаси фаолият юритадиган соҳа тузилиши ва ресурс имкониятларини белгиловчи локал элементлар ҳисобланади. Иккинчи асосий элемент корхона хизматлар бозорида эгаллаб турган позицияси ва динамик таъсифга эга элементлардир. Маркетинг стратегиялари элементлари (МЭ₁) куйидагилардан иборат: мақсадли бозорни ўрганиш (МЭ₁), позициялаш (МЭ₂), нарх сиёсати (МЭ₃), товар сиёсати (МЭ₄), тақсимлаш сиёсати (МЭ₅), коммуникация сиёсати (МЭ₆).


Хизмат кўрсатиш корхоналарининг маркетинг стратегияси элементлари нафақат маркетинг мақсадларига эришишнинг комплекс режаси сифатида, балки ўзига хос ўсиш нуқталари сифатида ҳам хизмат қилади. Бироқ корхоналар аниқ мақсадларга етишиш учун стратегик йўналишларни танлай олмаслиги асосий муаммолардан биридир.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўзгарувчан рақобатда устунлигини таъминлашга қаратилган маркетинг стратегияларини танлашда хизматларнинг тармоқ хусусияти, корхонанинг бозордаги ҳолати ва ресурс имкониятларидан фойдаланиш лозим (2-расм).

Маркетинг стратегиясининг кўплаб таснифлари мавжуд бўлиб, уларнинг тизимлаштирилган ҳолати куйидагича: бозордаги талаб ҳолати бўйича маркетинг стратегиялари (МС₁), М.Портернинг рақобатда устунлик стратегиялари (МС₂), товарнинг ҳаётийлик даври бўйича маркетинг стратегиялари (МС₃), Ф.Котлернинг рақобат ҳолатига мослашувчан стратегиялари (МС₄), ВСГ матрицасига асосланган маркетинг стратегиялари (МС₅), дифференциация стратегиялари (МС₆).

Бозор ҳолатларининг хилма-хиллиги, шунингдек, корхонанинг рақобатбардош стратегиясини ташкил этувчи маркетинг воситалари

комплексининг турли хил комбинацияларини назарда тутати. Стратегияни танлаш корхона ресурслари ва менежмент қабул қилишга тайёр бўлган таваққалчиликка боғлиқ.



2-расм. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг маркетинг стратегияларини танлаш имкониятини берувчи услубий ёндашув⁷

Диссертациянинг «Хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг тадқиқотларининг самарадорлиги таҳлили» деб номланган иккинчи бобда, жаҳон хизматлар соҳасида янги маркетинг тадқиқотларининг олиб бориш хусусиятлари аниқланган, хизматлар бозорини ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган, Ўзбекистонда хизматлар бозорини ривожлантиришнинг тенденциялари ва уларнинг хусусиятлари келтирилган.

Хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган корхона ва тадбиркорлик субъектларининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда маркетинг тадқиқотларини ўтказилиши муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, рақамли иқтисодиёт давридаги тақчиллик, маркетинг тадқиқотлари тезкор ва самарали ўтказилган ҳолда тадбиркорлик фаолиятининг натижадорлиги ҳамда истеъмолчиларнинг қониқиш даражаси юқори бўлади. Хизмат бўйича маркетинг стратегиясининг асосий мақсади ва вазифалари, истеъмолчиларга ташкилот ва унинг хизматларини муносиб баҳолашга ёрдам беришдан иборат.

Маркетинг амалиётида маълумотлар гуллашнинг 3 та шакли бўлиб, тадқиқотни амалга оширишда барчасидан ҳам унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Маълумот гуллаш усуллари қуйидагилардан иборат: кузатув, сўров, эксперимент. Тадқиқотлар Фарғона вилояти хизмат кўрсатиш корхоналарида амалга оширилганини инобатга олган ҳолда, республикамиздаги умумий

⁷ Муаллиф ишланмасы.

ҳолатни, яъни хизмат кўрсатиш соҳасига эътиборни кучайтириш зарурлигини кўрсатди. Айниқса, рақамли иқтисодийнинг талабларини инobatга олганда вилоятда хизматлар бозорини ривожланиши бўйича аниқ мақсадларга йўналтирилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати асосланди.

Маълумки, интеллектуал инсон меҳнати ўзига хос ривожланиш ва аҳамият касб этмоқда, унинг бўлиниши махсус илмий тайёргарликни қўп сонли иш ўринлари, кишиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларининг юқори даражадаги интеграллашувини ва ижтимоий фаровонликни оширишни талаб қиладиган қўлаб мутахассислик ва касбларни яратмоқда. Бу борада самарали маркетинг стратегияси қўлланилиши муҳим ўрин эгаллайди. Бу тенденциялар хизматлар соҳаси ва бошқарув билан бевосита боғлиқ бўлиб, инсон фаолиятининг бошқа соҳаларга нисбатан жадал ошишини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида хизматлар ҳажмининг 2010-2019 йиллардаги ўртача ўсиши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 16,1 фоизни ташкил этган. Вилоятда 2019 йилда жами 11280 млрд. сўм хизматлар бажарилиб, бу кўрсаткич республика вилоятлари орасида 5,93 фоиз улуш билан 4-ўринни эгаллайди (Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти, Самарқанд шаҳридан кейин). Келтирилган 1-жадвалда ҳозирги кундаги хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциялари кўрсатилган бўлиб, Фарғона вилоятидаги ҳолат республика миқёси билан солиштирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Фарғона вилоятида хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциялари^а

Кўрсаткичлар	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Ўзбекистон Республикаси бўйича хизматлар ҳажми (млрд. сўм)	27126,3	78530,4	97050	118811	150890	190356
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (%)	115,8	118,5	113,2	108,3	113,2	112,5
Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар, сўм	949,7	2509	3047,3	3668,3	4578,5	5668,6
Фарғона вилоятида хизматлар ҳажми (млрд.сўм)	1471,3	5256	6670,7	7602,2	9237,9	11280
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (%)	121,1	118,1	117,7	104,9	108	109,4
Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар, сўм	466,8	1512,5	1887,1	2116,1	2529,7	3034,2
Фарғона вилоятининг хизматлар ҳажмидаги улуши, %	5,42	6,69	6,87	6,40	6,12	5,93
Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича фарқлар, сўм	2,03	1,66	1,61	1,73	1,81	1,87

Фарғона вилоятида хизматлар бозорининг ўсиш тенденцияларини республика даражаси билан таққослаш натижалари далолат бермоқдаки, вилоятда аҳоли жон бошига кўрсатилаётган хизматлар республиканинг умумий

^а Фарғона вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари

даражасига нисбатан фарқининг камайиш тенденцияси мавжуд. Ушбу ҳолат вилоятда хизматлар бозори республиканинг умумий ўртача кўрсаткичига нисбатан ижобий тенденция мавжудлигини асослайди.

Хизматлар соҳасидаги аксарият фаолият турларининг ўзига хос хусусиятлари маҳаллийлаштиришнинг юқори даражаси, маълум бир ҳудудлар (ҳудуд, туман, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари) боғлиқлиги ҳисобланади. Шу сабабли, фаолиятнинг ҳажми, жойлаштириш, фаолияти турлари ва кўникмалари, мулкчилик шакллари, корхона ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг иш услублари, уларнинг модернизация қилишдаги роли ва ривожланиш салоҳияти минтақа иқтисодиётидаги инновацион ўзгаришларнинг эҳтиёжлари, устуворликлари ва стратегияси билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак.

Ушбу ҳолат бўйича диссертацияда кластер таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда, хизматлар бозорининг ҳудудлар бўйича ривожланишини хизмат турларига кўра белгилаш асосида барча ҳудудлар учун мақсадли стратегик йўналишларни белгилашга имконият яратади. Кластер таҳлил усулини ўтказишдан мақсад Фарғона вилоятининг туман ва шаҳарларининг жами 13 та хизмат тури бўйича ихтисослашувини аниқлаш, хизматлар бозорининг ривожланиш даражаси бўйича гуруҳлашдан иборат.

Кластерлаштиришнинг мақсади, маълум хусусиятлар бўйича гуруҳлашни назарда tutганлиги сабабли улар қанчалик ўхшаш ёки фарқ қилганлигини баҳолаш учун муайян ўлчов бирлигидан фойдаланиш керак. Фарғона вилоятида 4 та шаҳар ва 15 та туманларнинг хизмат турларига ихтисослашувини кластер таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда гуруҳлаб, барча ҳудудлар бўйича хизмат турларини жойлаштириш йўналишларини аниқлаш имконияти мавжуд. Кластер таҳлил усули учун 2015-2019 йиллар давомида шаҳар ва туманларда хизмат турларини ривожланиш ҳолатига кўра гуруҳлашда Варда усулидан фойдаланилди.

Варда усулида дастлаб ҳар бир кластер битта объектдан иборат эканлиги тахмин қилади. Биринчидан, иккита энг яқин кластер бирлаштирилади. Улар учун ҳар бири хусусиятнинг ўртача қийматлари аниқланади ва оғишларнинг квадратлари йиғиндиси ҳисобланиб, қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$V_i = \sum_i \sum_j (x_{ij} - \bar{x}_{ij})^2 \quad (1)$$

Бунда:

V_i – кластерлар сони;

i – объектлар сони ($i=1,2,3, \dots, n_i$)


n_i – объектлар сони (шаҳар ва туманлар);

j – умумий хусусиятлар сони (хизмат турлари);

k – маълум бир хусусиятни ифодаловчи объектлар сони

Ундан кейинги V_i -ҳажми оширишга энг кам улдуш қўшаётган объектлар ёки кластерлар ўзаро қўшилади.

SPSS статистик таҳлил дастури ёрдамида Фарғона вилоятининг туман ва шаҳарларида барча хизмат турларини ривожланиш даражаси бўйича Эвклид масофасида гуруҳлаш натижалари 4 та кластерга ажратилди (3-расм).



3-расм. Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида хизмат турларини ривожланиши бўйича кластерлаш натижалари⁹

1-кластерда барча хизматлар энг ривожланган ҳудуд – Фарғона шаҳри;

2-кластерда барча хизматлар ривожланаётган ҳудуд – Марғилон ва Қўқон шаҳарлари;

3-кластерда хизматлар бозорининг ривожланиш босқичига ўтган ҳудудлар – Қувасой шаҳри, Қўштепа, Бувайда, Риштон, Сух, Дангара, Фуркат ва Ёзёнов туманлари;

4-кластерда эса Олтиариқ, Боғдоқ, Бешарик, Қува, Учкўприк, Тошлўк, Ўзбекистон ва Фарғона туманлари жой олиб, ушбу гуруҳларда маълум хизмат турлари яхши, бироқ маълум хизмат турлари деярли ривожланмаган ҳудудлар сифатида ажратилди.

Кластер таҳлил натижалари Фарғона вилоятининг туман ва шаҳарларида хизмат турларини ривожлантиришга қаратилган стратегик вазифаларни белгилаш, хизмат турларини жорий этиш, хизматлар бозорини сегментлаш сингари муҳим йўналишлар бўйича мақсадларни белгилаш имконини берди.

Рақамли иқтисодий шакллантириш даврида, юқорида етакчи давлатлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш таҳлиliga кўра, иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиш учун хизматлар соҳасини янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур соҳада аҳолининг барча қатламлари қамраб олинishi ва барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсири – аҳоли бандлиги, камбағалликка барҳам бериш, инсонларнинг ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш борган сари долзарблигини кузатиш мумкин.

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фаргона вилоятининг хизмат кўрсатиш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Ўтказилган STEP таҳлил натижалари, биринчидан, Фаргона водийсида жойлашган бошқа вилоятлар сингари аҳоли зичлиги юқори, иккинчидан, мазкур ҳолат ижтимоий муаммолар кескинланишига сабаб бўлади, масалан, аҳоли турмуш даражаси республиканинг ўртача кўрсаткичларидан пастлиги, ишсизлик даражаси юқорилиги, айниқса Кўкон ҳудудда жойлашган туманларда камбағаллик даражаси юқорилиги билан белгиланади. Бундан ташқари саноат ва қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсатиш соҳасига нисбатан кўпроқ эътибор қаратилаган (2-жадвал).

2-жадвал

Фаргона вилоятида хизматлар бозорининг ривожланиш ҳолати бўйича STEP таҳлили¹⁰

	Омиллар	Таъсири
Ижтимоий (S)	Аҳолининг иш билан бандлиги	Янги иш ўринлари яратилади
	Аҳолининг хизматга эҳтиёжи	Истеъмол маданияти юксалади
	Аҳолининг яшаш даражаси ошиши	Мижозлар қупайишига олиб келади
	Урбанизация	Хизматлар миқдори ва сифатга талаблар ошади
Технологик (T)	Рақамли иқтисодиёт технологиялари кириб келиши	Электрон тижорат, масофавий хизматлар турлари ошиши, блокчейн технологияси ҳаётга татбиқ этилиши
	Юқори даражадаги ахборотлаштириш ва автоматлаштириш	Хизматларни яхшамлаштириш ва электронлаштиришга талаб ошиши, шаффовлик, маълумотларни олинч имконияти енгиллашади
	Меҳнат фаолияти шакллариини ўзгартириш	Ўйда ўтириб тадбиркорлик, илмий ишлар, таълим, маслаҳат, молия ва бошқа хизматлар амалга оширилади
	Хизмат кўрсатиш цикли ва муддати қисқариши	Хизмат кўрсатиш муддати қисқаради, цикли тезлашади, тезроқ янги турлари таклиф қилинади
Иқтисодий (E)	Меҳнат унумдорлигини ошириш	Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган сари, бошқа тармоқдаги фаолият юритувчиларнинг меҳнат самараси янада юксалади
	Валюта ва инвестицияларнинг кириб келиш даражаси ошади	Хизматлар сифати ошиши халқаро бозорга чиқишга имконият яратади, ўзаро манфаатдорлик иқтисодий алоқалар киради
	Рақобатбардорчилик ортади	Халқаро стандартларга мослашган ва жавоб берувчи хизматлар орқали дунё бозорига рақобат қилишга имконият яратилади
	Даромад ошади	Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлангани сари, унда бандлар даромад олиш имкониятига эга бўлади, рақобат қупайиши сабабли хизматлар нархи пасаяди, бундан истеъмолчилар даромади ошади
Сиёсий (P)	Халқаро ҳамкорлик кенгайди	Республика ташкилотлари ва бошқа имкониятлар орқали халқаро савдо, хизмат кўрсатиш бозорига чиқиш
	Мамлакатда барқарор сиёсий вазият мавжудлиги	Хизматлар кўрсатиш жараёнида рискларни камайтирилади

